

• ЎзХДП жамоатчилиги қабулхоналарида

ЭЗГУЛИККА ҚАРАТИЛГАН ИШЛАР

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Вобкент туман кенгаши ҳузуридаги Жамоатчилик қабулхонаси эшигини очганимизда ичкарида уч-тўрт киши суҳбатлашиб ўтиришарди. Улар орасидаги ёши саксонларга бориб қолган чол кўзимга иссиқ кўринди.

— Келинг, мухбир болам, — дея пешвоз йўлчи чол, — ҳозиргина сизни йўқлаб турувдик. Бизда анча англиклар бор, шуни...

Чолни танидим. У партия-миз фаоли Нусрат Ражабов эди. Отахоннинг кунора туман партия кенгашида бўлиши, электоратимизни қийнаётган муаммоларни бартараф этиш борасидаги саъй-ҳаракатлари ҳақида кўп эшитгандим.

— Бундан бир йил олдин, — дейди туман партия кенгаши раиси Талиб Аевезов, — отахон тенгқурлари билан туманда газ босими ўта пастлиги ҳусусида Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат қилгандилар. Биз бунни туман ҳокимлиги ва тегишли ташкилотларга етказгандик. Мана, яқинда ушбу муаммо ўз ечимини топди. Туманга батамом янги — 16 километрлик юқори босимли газ қувурли тортилды. Ҳозирги кишиқировли кунларда аҳоли беминнат дастёр — газдан фойдаланишяпти.

— Эзгуликка қаратилган ишларнинг бошида турганлар асло кам бўлишмасин, — дея суҳбатга аралашди Чаримгарон маҳалласида яшовчи Тоҳир Жаборов. — Хар гал бу ерга келсам кўнглим таскин топади. Чунки, муаммолар кенгаш аъзолари, депутатларимиз томонидан имкон қадар ҳал этилаётди. Орқанда тая-

надиган ташкилот бўлганга не етсин? Боя бу ерга келаётиб, бир йилгига дуч келдим. У ўзини Теша Бозоров деб таништирди, Янгикент қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан экан.

— Илгари «Нурафшон» ширкат ҳўжалигида ҳисоби бўлиб ишлардим, — деди у. — Ширкат фермер ҳўжаликлари айланттирилгач, ишсиз қолдим. Ҳеч ким меннинг арзимга қўлоқ солмади. Охири ўзим аъзо бўлган партия кенгаши ҳузурида Жамоатчилик қабулхонаси очилганини эшитиб, у ерга мурожаат қилдим. Мана, ҳозир Вобкент қурилиш касб-ҳунар коллежидан ишляялман. Бунинг учун улардан миннатдорман.

Тоҳир ота гапини шу ерда тўхтади, бунни ҳам мақолагизнинг бир четига кистиринг деган маънода менга қаради. Шу пайт хона эшиги очилиб, ичкарига бир йилгит бош суқди. Салом-алиқдан сўнг, дилдагини тўкиб-солди.

— Ҳаммаларингизни ҳовли тўйига айтгани келдим, — деди.

Ўтирганлар уни муборакбод этишди. Йилгит чиқиб кетгандан сўнг раис изох берди. Бу йилгит Пирмат қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Махсум қишлоқидан бўлиб, бир ҳовлида беш ака-ука яшаркан. Отасиз ўсган оғирнилар алоҳида уй-ҳой қуриш учун ер сўраб, бормаган идоралари қолмабди. Наҳот излаб Жамоатчилик қабулхонасига келишгач, ташвишлари осон кечибди. Саид Ҳусанов бугун шу боис қабулхонадагиларни ҳовли тўйига айтгани келибди-да.

Хонадаги телефон жиринглади. Гўшақни кўтарган аёл бир оз жим турдида, кейин

«менми, Гулсара Икромова бўламан, навбатчи» деди. Сўнг қўшиб қўйди «қабулхона эшиги ҳамма учун очик, синглим, келаверинг гаплашиб оламиз».

— Афтидан, бу аёлни нимадир қийнапти, — дея Гулсарахон гўшақни жойига қўйди. — Расмий идораларга бормаيمان, ўзингизга учрашаман деяпти. Майли дедим.

Гулсара Икромова туманда жойлашган виллоят реабилитация маркази бош шифокори, депутат. У Жамоатчилик қабулхонасида навбатчилик қилишга ҳам вақт топади. У ҳам партиядошлари — Харгўш маҳалла фуқаролар йиғини раиси Рўзибиби Эсанова, виллоят «Сувоқава» хиссадорлик жамияти раиси Прим Севинов, туман кўкаламзорлаштириш идорасини бошлиғи Гулнеҳра Гаффорова, шаҳар стоматология поликлиникаси бош ҳақими Мақсуд Самидов, туман статистика бўлими бошлиғи Бақо Вафоевлар билан бирга қабулга келганларни очик чехра билан кутиб олиб, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал қилиш йўлларини излайди. Хуллас, изланганга имкон бор-да.

Дарвоқе, ўтган давр мобайнида қабулхонага юздан зиёд киши турли муаммолар билан мурожаат қилишган. Уларнинг аксарияти ижобий ҳал бўлган. Бундан кўриниб турибдики, туман кенгаши аъзолари, ЎзХДПдан сайланган депутатлар эл дарду ташвиши билан яшамокдалар. Шу боис туманда эзгуликка қаратилган ишлар талайгина.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назиров соғлиқни сақлаш тизимида Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар ҳақида ахборот берди, журналистларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Вазир ўз сўзининг бошида: «Президент Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида: «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да тиббий хизмат сифати-ни юксалтириш, соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тиббиёт ходимлари меҳнатини қадрлаш, нуфузини ошириш бўйича ҳам анча ишлар қилинганни таъкидлаш жоиз» дея биз тиббиётчиларнинг хизматимизни алоҳида эътироф этиш ўтди» дея таъкидлади.

Ҳомийлик халқимизнинг қадимий қадриятларидан биридир. Зеро, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Дастурида ҳам аҳолининг кам таъминланган қатламни ижтимоий муҳофазалаш, халқ таълими, қариялар ва ногиронлар, талаба ёшлар, соғлиқни сақлаш тизими ходимлари мафзаатларини ҳимоя қилиш бош мақсад қилиб белгиланган.

Мамлакатимизда «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да фахрланса арзиқли ижобий ишлар амалга оширилганининг гувоҳи бўлялмиз. Мамлакатимизда шифокорларнинг обрўсини янада ошириш ҳамда уларнинг меҳнатини рағбатлантириш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Тиббиёт ходимлари кўнини белгилаш тўғрисида»ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг «Соғлиқни сақлаш аълочили» нишонини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори қабул қилинди.

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан нафақа-хўрлар, ногиронлар ва ёлғиз қарияларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини оширишга алоҳида аҳамият қаратилди. Тиббий реабилитация ва терапия илмий-тектириш институтида ва унинг филиалларида 2500 нафар шу тоифага мансуб фуқароларимиз даволанди.

Нафақахўрлар, ногиронлар ва ёлғиз қарияларнинг 32 544 на-

лан касалланган кишиларни бепул дори-дармон воситалари билан таъминлаш мақсадида 6,8 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилди. Шу ўринда инсонпарварлик ёрдами тариқасида олинган ва республикамизнинг даволаш-профилактика муассасаларига тарқатилган қиймати 14,7 миллион АҚШ долларига тенг бўлган дори-дармон ва тиббий ускуналарни ҳам эътиборга олиш керак.

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» давомиди давлат бюджет-ти маблағи ҳисобидан тиббиёт муассасаларини замонавий техника билан жиҳозлаш учун 7,6 миллиард сўмга яқин маблағ фари стационар, 432 534 нафари амбулатория шароитида даволанди. Бундан ташқари, 2006 йил давомида ижтимоий аҳамиятга эга хасталиклар би-

ли, халқ орасида катта обрў-эътиборга эга инсонлардан иборат гуруҳлар ташкил этилди. Улар аҳоли орасида турли суҳбат ва жонли мулоқотлар олиб боришмоқда. Асосан виллоят марказидан 400-500 километр олисда жойлашган овул, маҳаллаларга алоҳида эътибор қаратаямиз. Чунки ҳеч ким четда қолмаслиги, чекка қишлоқдаги ҳам уртимиздаги маънавий янгиликлардан боҳабар бўлиши лозим.

— Сухбат аввалида «ваъзхонлик»дан воз кечш керак, деган маънода гапирдингиз...
— Ҳа, ҳар бир учрашувни ўзгача руҳда ўтказаялмиз. Са-вол-жавоб, очик мулоқот, самимий гурунг... Биласизми, халқдан ҳеч нарсани яшириб бўлмайди. Шундай экан, муаммолар ечими тўғрисида ҳам атрофича фикр юритмок жоиз.

Шу ўринда фикр мулоҳаза. Бугун дунёда рўй бераётган ўзгаришларни матбуот, интернет, ойна жаҳон орқали кузатиб бораёямиз. Ҳар бир мамлакат ютуғи, мавқеи нима билан белгиланди? Аввало, тинчлик-осойишталик, иқтисодий ривожланиш, халқнинг фаровон ҳаёти. Хорижда бўлганда юртимизга ҳавас қилишганига, халқимиз ҳақида меҳр билан гапирганларга кўп бор гувоҳ бўлганман. Бу, албатта, юртимизда олиб борилаётган одилна сиёсат ҳамда мустақиллик нёзматидир.

Яна йиллар, асрлар ўтади. Бугунги ишларни эртанги авлодлар қадрлаши тайин. Чунки, ота-боболаримиз, аждодларимиз ҳам шундай йўл тутишган, биз ҳам шундай қилаёямиз. Демак, гарданнимизда юксак масъулият бор. Уни доимо ҳис этиш даркор. Ҳозир фахр-ифтихор билан айтиш лозимки, биз келгуси авлодга Мустақил Ватан, келажаги порлоқ Ўзбекистонни иноят эътиямиз...

Сухбатдош: Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

• ЎзХДП: Электорат манфаати

ахратилди. Утайтган йилда давлат бюджети ҳисобидан соғлиқни сақлаш муассасаларини капитал таъмирлаш ишларига 8648,5 миллион сўм маблағ сарфланди. Ўзбекистонда республика миқёсидаги тўртта ихтисослаштирилган марказ, шу жумладан, хирургия, кардиология, микрохирургия ҳамда урология марказлари очилди ва улар самарали фаолият кўрсат-

рини барпо этишга тайёргарлик кўрилмоқда. Бу ишга 230 миллион сўм сарфланди.

Ҳомийлар томонидан республика миқёсидаги 13 та гўдақлар уйларига 60 млн. сўмлик, «Меҳрибонлик уйлари»га эса 3,5 миллиард сўмлик ёрдам кўрсатилди.

Кораклапоғистон Республикаси болалар шифохонасининг янги биноси ва эскисини қайта

МИЛЛАТ САЛОМАТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИДА «ҲОМИЙЛАР ВА

фари стационар, 432 534 нафари амбулатория шароитида даволанди. Бундан ташқари, 2006 йил давомида ижтимоий аҳамиятга эга хасталиклар би-

ли, халқ орасида катта обрў-эътиборга эга инсонлардан иборат гуруҳлар ташкил этилди. Улар аҳоли орасида турли суҳбат ва жонли мулоқотлар олиб боришмоқда. Асосан виллоят марказидан 400-500 километр олисда жойлашган овул, маҳаллаларга алоҳида эътибор қаратаямиз. Чунки ҳеч ким четда қолмаслиги, чекка қишлоқдаги ҳам уртимиздаги маънавий янгиликлардан боҳабар бўлиши лозим.

мақда. Хоразм виллоятда ихтисослаштирилган урология марказининг филиали ташкил этилди ҳамда шу ерда кардиология, кўз микрохирургияси марказла-

таъмирлашда асосан ҳомийлар маблағидан фойдаланилди. 140 миллион сўм маблағ «Шош-линч тиббий ёрдам» илмий марказининг 250 ўринлик даволаш корпусини реконструкция қилишга харқланди.

Қарши шаҳридаги кардиология марказининг очилиши воҳа аҳолисининг саломатлигини муҳофазалашда муҳим ўрин тутмоқда. Унга саховатли одамларнинг 705 миллион сўмлик ҳомийлик маблағи сарфланган бўлса, 214 миллион сўмга тиббий асбоб-ускуналар олинди.

Дастурнинг даволаш-профилактика муассасаларини мукамал ва жорий таъмирлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ривожлантириш йўналиши бўйича ҳомийлар ёрдамида Тошкент шаҳрида 2 та замонавий оилавий поликлиника, Жиззах ва Бўжоро виллоятларида диагностика маркази ишга туширилди, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

• Иқтисодий ва ислоҳот

АНДИЖОН: «ХБК»ДА ИБРАТЛИ ИШЛАР

Ҳа, сўзлашувда жўнгина «ХБК» деб лўнда аталувчи Бобур номли Андижон ил-газлама ишлаб чиқариш акциядорлик жамиятида беш ойлик «танаффус»дан сўнг ибратли ишлар бошланди. Андижон, бунга мамлакатимиз раҳбарининг шу йил 13 октябрь кўни халқ депутатлари Андижон виллояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нўтки туртки бўлди. Жумладан, унда айтилди: «Ҳозирги вақтда Андижон заминида истиқомат қилаётган қарийб 2 миллион 400 минг аҳолининг 55 фоизи, яъни яримдан кўпи меҳнатга лаёқатли бўлиб, бу ўз навбатида одамларни иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратишни тақозо этмоқда».

Айни шу мезон Андижон ХБКси бағридан илгари кетиб қолган кўплаб ишчи-хизматчиларнинг яна ўз иш жойларига қайтишига сабаб бўлди.

Маҳсулот ишлаб чиқаришдан тўла тўхтаб қолган корхона республика ҳукумати ва Андижон виллояти ҳокимлигининг қўллаб-қувватлаши билан қайта ишга тушган илк кезлариданок янги маҳсулот — 50 тонна калава ил таёйрлади. Ҳукумат томонидан ажратилган 5 минг тонна пахта толеси ва кўрсатилган бошқа кўмаклар унинг тикланишига имкон берди. Янги директор Ҳасанбой Аҳмедов, инженер-техник ходимлари ишчилар бил ёқадан беш чиқариб, қарага ботган корхонани яна оёққа турғазлашга бел бошлашди.

— Ҳозиргача мингта яқин ишчи-хизматчи ўз иш жойларига қайтидилар, — дейди корхона раҳбари. — Тўқувчи-йиғирувчиларни ишга қабул қилиш давом этапти. Жамоамизда ишловчилар сонин янги йилда 2000 нафарга етади... Ҳозир, биз ишчи-хизматчиларни нафақат корхонага ишга қайтариш, балки уларни ижтимоий ҳимоялаш, рағбатлантириш, янги ишчи ўринларини кўпайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратаёямиз. Иш ҳақларидан қолган қарзларни уза бошладик. Уларга транспорт хизмати, тушлик озиқ-овқат бепул ташкил этилди. Яқин ишлаётганларга 40 фоиздан 100 фоизгача муқофот пули жўйиб қилинди... Буларнинг ҳаммаси одамларда меҳнатга муносабатни бутунлай ижобий томонга ўзгартириб, кўн сайин уларни унумли ва сифатли ишлашга ундамоқда...

Аҳмадийлло СОЛИЕВ

• Миллат ва маънавият

ТАРБИЯ, ТАРҒИБОТ, ТАРАҚҚИЁТ

булар оила, мактаб, маҳалладан бошланса, кўзланган мақсадга эришилади, — дейди республика Маънавият-тарғибот маркази Сурхондарё виллоят бўлими раҳбари Рамазон АШУРОВ

— Мустақиллигимизнинг илк кунлариданок мамлакатимизда маънавият ва маърифат соҳасини юксалтириш бўйича дадил қадамлар ташланди. Бу борада ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қатор муҳим ҳужжатларнинг ўзиёқ соҳани ривожлантиришда дастуриламал бўлмоқда. Айниқса, Президентимизнинг шу йил 25 августда имзоланган «Миллий ҳаёт тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самаралорини ошириш тўғрисида»ги Қарори тизимини янада такомиллаштиришга, фаолиятимизни тубдан кучайтиришга муҳим асос бўлди. Унда кўрсатилган асосий вазифалардан бири халқимиз ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини самарали олиб бориш масаласидир. Биз миллий ғоя, унинг асосий йўналишларини аҳолига тўғри тушунтира билишимиз керак.

Бу борада аксарият ҳолларда қолидан қичолмай қолардик. Бу билан бизни тинглаётган қатламга кириб бориш жуда қийин кечарди. Чунки қуруқ қаб билан ҳеч нарсасга эришиб бўлмайди. Қолаверса, бу аллақачон эскирган усул. Шундай экан, аввало, учрашув ўтказилаётган аудиторияга — унинг ёшга, даражаси, қатламга алоҳида эътибор бериш лозим. Шунга амал қилган ҳолда иш юритсак, мақсадга осон эришилади. Мисол учун Юртбошимизнинг бундан бир йил аввал, Талабалар шаҳарчасидаги ёшлар билан учрашувини эсланг. Ушанда Президентимиз ҳар бир талабанинг ўзига мос суҳбат олиб бориладди. Бу эса уларнинг юрак сўзларини айта олишига имкон берди.

Мазкур қарордан сўнг виллоят ҳокимлиги томонидан ҳам алоҳида дастур ишлаб чиқилди. Ёзувчи, шоир, зиё-

ли, халқ орасида катта обрў-эътиборга эга инсонлардан иборат гуруҳлар ташкил этилди. Улар аҳоли орасида турли суҳбат ва жонли мулоқотлар олиб боришмоқда. Асосан виллоят марказидан 400-500 километр олисда жойлашган овул, маҳаллаларга алоҳида эътибор қаратаямиз. Чунки ҳеч ким четда қолмаслиги, чекка қишлоқдаги ҳам уртимиздаги маънавий янгиликлардан боҳабар бўлиши лозим.

— Сухбат аввалида «ваъзхонлик»дан воз кечш керак, деган маънода гапирдингиз...
— Ҳа, ҳар бир учрашувни ўзгача руҳда ўтказаялмиз. Са-вол-жавоб, очик мулоқот, самимий гурунг... Биласизми, халқдан ҳеч нарсани яшириб бўлмайди. Шундай экан, муаммолар ечими тўғрисида ҳам атрофича фикр юритмок жоиз.

Шу ўринда фикр мулоҳаза. Бугун дунёда рўй бераётган ўзгаришларни матбуот, интернет, ойна жаҳон орқали кузатиб бораёямиз. Ҳар бир мамлакат ютуғи, мавқеи нима билан белгиланди? Аввало, тинчлик-осойишталик, иқтисодий ривожланиш, халқнинг фаровон ҳаёти. Хорижда бўлганда юртимизга ҳавас қилишганига, халқимиз ҳақида меҳр билан гапирганларга кўп бор гувоҳ бўлганман. Бу, албатта, юртимизда олиб борилаётган одилна сиёсат ҳамда мустақиллик нёзматидир.

Яна йиллар, асрлар ўтади. Бугунги ишларни эртанги авлодлар қадрлаши тайин. Чунки, ота-боболаримиз, аждодларимиз ҳам шундай йўл тутишган, биз ҳам шундай қилаёямиз. Демак, гарданнимизда юксак масъулият бор. Уни доимо ҳис этиш даркор. Ҳозир фахр-ифтихор билан айтиш лозимки, биз келгуси авлодга Мустақил Ватан, келажаги порлоқ Ўзбекистонни иноят эътиямиз...

— Тарғибот-ташвиқот ишлари таъсирчан бўлиши ҳамда ёшларимиз онгда маънавият ва маърифатни юксалтиришда яна нималарга эътибор бериш лозим, деб ўйлайсиз?

— Биз ўтмиши ва келажаги буюк халқимиз. Аждодларимиз дунё таи олган мутафаккир зотлар бўлишган. Биз ўшалардан ўрнат олишимиз, ёшларимизга ҳам улар ҳақида батафсил маълумот беришимиз керак. Шундай экан, жойлардаги учрашувларда уларнинг ҳаётий тажрибалари, ўғит ва насиҳатларидан етарлиқ фойдаланиш лозим. Биласизми, тарбияли оиладан ноқобил фарзанд чиқмайди. Бундай авлод эзгулик йўлини таллайди. Болага отанг яқини одам, бобонг обрўли эди, дейилса ишончли комплики у ҳам бундан ибрат олгиси келарди. Тарбиянинг сөхрли кўчи ҳам шунда.

Президентимиз таъкидлаганларидек, мафкурада бўшлик пайдо бўлмаслиги лозим. Қаердаки, мўртлик бўлса, жаҳолат илдиз отади. Шунинг учун ҳар қадамда огоҳ бўлиш лозим. Сизга ҳаётий мисол айтмай: истаимизми-йўқми барчамиз вақти келиб кўксаямиз, фарзандимиз кўксаямига муҳтоб бўламиз. Демак, бугунги тарбиянинг меваси эртанга қайтиши табиий.

Мен ниман демоқчиман? Агар биз маърифат ишларини кучайтирмасак, ёшлар орасида миллий турмуш тарзини мизга ёт ҳаракатлар кўпайиб боради. Бу ўринда оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлиги муҳим ўрин тутди. Оилда соғлом муҳит барқарор бўлса, мактабдаги тарбия болага ижобий таъсир ўтказиши мумкин. Бу эса маҳалланинг тинч бўлиши баробарида юрт тараққиётига ҳам пойдевордир.

Сухбатдош: Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бу жараёнда сиёсий партияларнинг депутатлик гуруҳларининг ҳар бири ҳокимликка номзод юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришига имконият пайдо бўлди.

Савол: — Жамиятни янада демократиклаштириш бўйича қандай дастурлар устида ишланаёпти?

Жавоб: — Ўзбекистонда демократия кучли давлатдан кучли жамият сари деган таомил асосида ривожланиаяпти. Биз кучли давлатдан тобора кучли жамият, яъни фуқаролик жамияти сари қадам қўймоқдамиз. Демок-

ратиясиз фуқаролик жамияти бўлмайди, албатта. Демократия секин-аста муайян жамиятнинг ўзида вужудга келади ва шаклланади. Айрим давлатлар демократик тараққиётга эришиш учун икки юз йиллаб тарихий йўлни босиб ўтганлар.

Мана бугун юртимизда икки палатали парламент шаклланди. Бу ҳам демократик ривожланишнинг битта босқичи. Президентнинг айрим ваколатлари Сенатга берилди. Маҳалла институти қайтадан шакллантирилиб, маҳаллий давлат ҳокимиятининг қўллаб-қувватлаш фуқаролар йиғинларига ўтказилмоқда. Бир сўз би-

лан айтганда, давлат ва жамият бошқарувида оид вазифалар юқоридан куйига қараб тушиб келяпти. Ҳаётимизда нодавлат ташкилотлар, жамоатчилик институтиларнинг роли охиб бораёпти. Юқорида айтиб ўтилганидек, Юртбошимизнинг кўнччилик ташаббуси ҳам демократик ривожланишда жуда муҳим қадам бўлди.

Булар барчаси юртимизда демократиянинг жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган таомиллар асосида тобора мустаҳкамланиб, ривожланиб бораётганидан далолатдир.

Бехўзд ШУКУРОВ

РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИ ЙИГИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди

Унда Андижон, Фаргона, Сирдарё ва Тошкент виллоятларида ўқувчилар орасида диний экстремизм ғоялари тарқалишининг олдини олиш, коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш, қишлоқ жойлардаги бўш аҳоли вақилларини қасаначиликка, болаларни мактабга ва мактабдан ташқари таълим муассасаларига жалб қилишнинг аҳолига оид масалалар муҳокама қилинди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратури, мазкур комиссия раиси Р.Қодиров бошқарди.

Таъкидланганидек, юртимизда ёшларнинг ижтимоий ҳимояси янада кучайтириллаётгани ва амалга оширилаётган профилактик тадбирлар натижасида воёга етмаганлар орасида жиноятчилик бирмунча камайган.

Мамлакатимизда Конституция ва тегишли қонунларга биноан аънавий динлар вақилларининг эътиқод эркинлигини таъминлаш борасида барча

шарт-шароит яратилган. 202 мактабда диний экстремизм ва терроризмга қарши курашга оид тарғибот марказлари ҳамда 8 минг 846 мактабда тўғрақ ва клублар ташкил этилган.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Андижон виллояти кенгаши қошида воёга етмаганларнинг олдидан олиш мақсадида олиқ ўқув юртарларининг иқтидорли талабаларидан иборат «Ресурс маркази» ташкил этилиб, таълим муассасаларида турли тадбирлар ўтказилаёпти.

Фаргона виллоятда тарбияси оғир болаларни таълимга жалб қилиш учун виллоят ҳокимлиги томонидан самарали чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2005-2006 ўқув йилида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида 17 янги марказ ташкил этилди. Жорий йилда мактабдан ташқари таълим муассасалари ходимлари томонидан 824

услубий қўлланма ишлаб чиқилиб, соҳа ходимларининг илғор иш тажрибаси оммалаштирилмоқда. Мактабгача таълим муассасаларини

Жиззах вилояти туғуруқоналари учун зарур тиббий жиҳозлар ва асбоб-ускуналар, шунингдек реагентлар харид қилинди. Жиззах, Андижон ва Наманган вилоятлари онкология диспансерлари учун қиймати 61 783 АҚШ долларига тенг тиббий асбоб-анжомлар харид қилинди.

Мамлакатимиз аҳолисининг 63,8 фоизи кишлоқда яшайди. Ва шу боис малакали бирламчи тиббий-санитария ёрдами

юрломайдиган беморлар малакали маслаҳатлар олди, даволанди. Натихада аҳоли билан 900 дан ортиқ учрашув, 300 та семинар ва маърузалар билан бирга 500 га яқин оператив амалиётлар бажарилди. Дастур доирасидаги тадбирларда хатто автотранспорт воситаларини ҳам харид қилиш кўзда тутилган: 2006 йилда қўшимча равишда 264 та тез ёрдам ва реанимация автомобиллари харид қилинди.

тиббий муассасаларини мод-ди рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармалари тузилган. Хусусан, жамғармалар маблагидан 150 000 дан зиёд тиббий ва фармацевтика соҳаси ходимларининг иш ҳақиғига қўшимча ҳақ тўланди.

Алоҳида хавфли ва зарарли шартда фаолият юритадиган муассасаларнинг меҳнат шарт-шароитини яхшилаш мақсадида Карантин ва ўта хавфли юқумли касалликлар муҳофазаси мар-ка-

роҳлари дунёдаги юксак баҳо-кали сазовор бўлиши. Жаҳон тажрибасида сиём эгизаклари-ни жарроҳлик усули билан «аж-ратилиш» санокли мамлакат му-тахассислари томонидан амал-га оширилган. Ўзингизга маъ-лумки, бизда ҳам бу йил Хо-размда шундай тиббий муола-жа амалга оширилди. Мухта-сар айтганда, ўзбек тиббети жаҳон стандартларига интиля-ти» дея таъкидлади у.

Бутун дунёда булгани каби

Конференция сўнггида ва-зир: «Миллат соғлиғи — мам-лакатнинг бойлиги ва қудра-тининг асосидир. Зеро, биз эзгу ишларимизни кириб ке-лаётган янги «Ижтимоий ҳимо-я йили»да янада такомиллашти-рамиз. Оддий бир мисол, за-монавий техника воситасиз аҳолига сифатли тиббий хиз-мат кўрсатиб бўладими? Кел-гуси йили соғлиқни сақлаш ти-зимини 1000 та «Хундай» за-монавий автотранспорти бил-ан таъминлашни режалаш-тирдик. Ёки яна бир мисол, Ўзбекистон бу йил халқаро ташкилотлар томонидан ўт-казилган тадқиқотларга кўра эпидемиядан ҳоли ҳудуд дея-тан олинди. Бу ўз-ўзидан бўлмайди. Демак, келгуси йили бу борадаги ишларимиз-ни давом эттирамиз. Халқнинг соғлиғини асраш бу — биз учун қарз ва фарзидир» дея таъкидлади.



ТАКЛИФНИ
МАЪҚУЛЛАМАДИ

Маълумки, Пекинда Ши-молий Кореянинг ядро дас-тур юзасидан олти томон-лама музокаралар давом эт-моқда. Кун кеча келишимов-чиликларни бартараф этиш учун АҚШ ва КХДР делега-цияси икки томонлама му-зокара ўтказди. Бироқ бу ҳам қўтилган натижага олиб келмади.



Шимолий Корея АҚШ так-лиф этган вариантни қабул қилмади. Яъни АҚШнинг ушбу таклифига кўра, КХДР ўзининг ядро дастурини аста-секин «музлатиши» ке-рак. Бунинг эъзига АҚШ КХДР хавфсизлигига ёзма равишда қаролат берадиган бўлди ва КХДРга иқтисодий ҳамда гуманитар кўмакни йўлга қўйишга ваъда берди. Фақат бунинг учун КХДР ўзининг ядро объекти ҳақидаги маълумотларни АҚШга тақдим этиши ва Ионбендаги ядро объекти-ни текшириш учун халқаро экспертлар киришига рўхсат бериши лозим. Лекин КХДР делегацияси бу таклифни маъқулламади, дейилади «Интерфакс» ахборотида.

ЯНГИ КОНВЕНЦИЯ
ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

БМТ Бош Ассамблеяси фуқароларни зўрлик билан гаровга олишдан ҳимоя қилувчи Халқаро конвенция-ни қабул қилди. Бу ҳақда «Reuters» ахборот агентлиги хабар тарқатди. Ушбу ҳужжат 2007 йил 6 февраль кун ишловда учун мамла-катлар вакиллари тақдим этилади.

Конвенция 20 та давлат томонидан ратификация қилингандан сўнг 30 кун ўтгач, қўлга киритилди.


Маъқулланган махфий қамоқхоналар тақиқланиши-ни назарда тутиб, қўлга олинган шахс қайси қамоқ-хонада сақланаётгани, унинг тақдири нима бўлаётгани ҳақидаги ахборотларни «маҳбус»нинг оиласига етказиш мажбуриятини юклайди.

Конвенция имзоланган, уни назорат қилиш учун махсус комиссия тузилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ушбу ҳужжатни қабул қилиш учун 1992 йилдан бери музокаралар олиб борилади. Утган асрнинг 70-80-йилла-

рида Лотин Америкасида ҳокимият тепасига келган диктаторлар томонидан муҳолифатдаги кишиларнинг ўғирланиши ва йўқ қилиниши каби воқеалар мазкур ҳужжат ишлаб чиқишига сабаб бўлди. Жумладан, Аргентина-да 1976 йилдан 1983 йилгача бўлган даврда расмий манбаларда қайд этилишича, 12 минг (айрим манбаларда 30 минг) киши қатагон қилинган. Умуман, 1980 йилдан бери 90 дан ортиқ давлатда 51 мингдан ортиқ шахсларни ўғирлаш ҳолатлари содир этилган.

Маълумки, кейинги пайтларда АҚШ маъмурияти махфий қамоқхоналардан фойдаланаётганини жаҳон жамоатчилиги бир неча бор танқид остига олди. Шунинг учун бўлса керак, Бош Ассамблеянинг ушбу ҳолатлари содир этилган. Инсон ҳуқуқлари ҳимояси билан шуғулланувчилар АҚШ бу конвенцияни имзолашганини башорат қилмоқдалар.



МАМЛАКАТ ҚУДРАТИ

ШИФОКОРЛАР ЙИЛИ» ЯКУНИГА БАҒИШЛАНГАН МАТБУОТ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ

ташқил қилиш, унинг сифатини ошириш мақсадида барча вилоятларда, Қорақалпоғистон Республикасида кишлоқ врачлик пунктлари ташқил қилинди.

Ихтисослаштирилган дастур доирасида амалга оширилаётган фаолият фақат ириик ша-харлар ва вилоят марказлари билан чегараланиб қолгани йўқ. Бугунги кунда республикамиз бўйича 2900 дан ортиқ кишлоқ врачлик пункти (КВП) фаолият кўрсатмоқда, шуларнинг 200 таси «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да қайта қурилди ва ка-питал таъмирланди. Йил охири-га келиб республикамизнинг энг чекка ҳудудларида яна 47 та КВП ишга тушади.

Вазирлик томонидан профес-сорлардан иборат кўма брига-далар ташқил этилиб, бемор-ларни жойида кўриқдан ўтказиш ишлари амалга оширилди, профес-сор-ўқитувчиларнинг худуд-лар бўйлаб сафарлари жадвал асосида уюштирилди. Узоққа

Кишлоқ врачлик пунктлари босқичма-босқич «Саломатлик-1» ва «Саломатлик-2» лойиҳа-лари доирасида замонавий ас-боб-ускуналар билан жиҳозлан-моқда.

Мана, бир йилдан буён ил-гари амал қилган ягона тариф сет-каси ўрнига Ўзбекистонда тиб-биёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизими жорий этилди. Бугунги кунда мутахассислар иши на-тижасига қараб кўриб чиқила-диган тариф сеткасига қўшим-ча тўловлар ва устамалар тар-тибга солинди. Мутахассислар-ни рағбатлантириш учун соғлиқ-ни сақлаш тизимида биринчи марта узлуксиз иш стажини учун қўшимча ҳақ тўлаш белгилан-ган.

Шу йилнинг бошидан тибби-ёт ходимларининг, жумладан, кичик тиббиёт ходимларининг меҳнатини рағбатлантиришнинг янги тартиби жорий этилди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда

зининг вабо, ўлат, бруцеллёз, куйдирги лабораториялари дунё стандартларига мос равишда тўлиқ қайта таъмирланиб, жо-рий йилнинг 1 чорагида ишга туширилди.

Тиббий инфратузилмани ри-вожлантиришга доир режалар билан боғлиқ масалалардан бири — кадрлар масаласидир. Ўзбекистонда фаолият юрита-ётган тиббий ўқув юрталари кат-орида «Ҳомийлар ва шифокор-лар йили»да Марғилон шаҳри, Пешку, Қорақўл туманларида тиббиёт коллежлари қурилди ва фаолият кўрсатишмоқда. Жиззах-да диагностика маркази ишга туширилди, Гулистонда эса яна бир тиббиёт коллежи фойдала-нишга топширилиш арафаси-да...

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да юртимизда амалга оширилган ишлар ҳақида кўп гапириш мумкин.

Тадбирда соғлиқни сақлаш вазири: «Республикамиз жар-

мамлакатимиз соғлиқни сақ-лаш тизими ҳам ўзгаришлар даврини бошдан кечиряпти. Айтиш мумкинки, бу соҳада ҳам жаҳон андасалари сари интилиш кучли. Масалан, дунё-нинг ривожланган мамлакатла-рида нодавлат тиббиёт тизи-ми такомиллаштирилган. Зеро, соғлиқни сақлаш тизимида но-давлат тиббиёт тизими шакл-лантириб бориляпти. Ҳозирги кунда мамлакатимизда 1,5 мингга яқин хусусий тиббиёт поликлиникалари аҳоли соғли-ғини сақлашга хизмат қиляпти.

Юртбошимиз кириб кела-ётган янги йилни «Ижтимо-ий ҳимоя йили» деб эълон қилар экан: «...Бугун юр-тимизда ҳар томонлама мустақкам ҳуқуқий асосга эга бўлган ишончли ижтимоий ҳимоя тизими шакл-ланди ва у амалда ўзини оқламақда» дея алоҳида таъкидлади.

Саидо САЙХУН

«РОУТАХТ АУКСИОН»
давлат унитар корхонаси

2007 йилнинг 23,26,30 январь ва 6,9,13,16,20,23,27 февраль кунлари кимовши савдоларини ўтказди

АУКСИОН САВДОЛАРИГА:
Тошкент шаҳар, Мирзо Улуг-бек тумани халқ таълими бўли-мига қарашли бўлган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Пушкин-Салор кўчаси, 1-«В» уйда жойлашган 380-сон-ли болалар боғчаси 133 253 300 сўм бошланғич нархи билан;

Тошкент шаҳар, Навоий кўча-си, «2-а» уйда жойлашган Тош-кент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси-нинг давлат рақами 10 АФ 401 бўлган «Дамас» русумли авто-транспорт воситаси 1 800 000 сўм бошланғич нарх билан қўйи-лади.

Савдоларда қатнашиш иста-гини билдирган талабгорлар объект бошланғич нархининг 10 фоизи миқдоридagi закат пу-лини «РОУТАХТ АУКСИОН»

давлат унитар корхонасининг АТИБ «Ипотека-банк»и Шай-хонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 2021000804243151001 ҳисоб ра-қамига тўлайдилар.

Аризалар қабул қилиш савдо-дан бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11.00 да бош-ланади.

ТАНЛОВ САВДОСИГА:
Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Ўш кўчаси, 34-уйда жой-лашган Ҳамза тумани юқумли касалликларга қарши курашиш ва зарарсизлантириш шохобча-сини 117 252 901 сўм бошланғич нарх билан қўйилади.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:
1. Фаолият турини сақлаб қолиш.
2. Энг юқори сотиб олиш ба-ҳосини таклиф этиш.

3. Энг юқори миқдордаги қўшимча сармоя киритиш маж-буриятини олиш.

4. Сотиб олиш қийматини тўлаш ва қўшимча сармоя ки-риштиши қисқа муддатларда амалга ошириш.

5. Сотиб олиш қиймати ва қўшимча сармояни киритиш мажбурияти бажарилишини ўз молиявий маблағлари ҳисоби-дан амалга оширилишини таъ-минлаш.

Танлов савдосида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш сав-додан уч кун аввал тўхтатилади.

Талабгорлар ариза ва тўлов қоғозига қўшимча тарзда кон-вертга муҳрланган танлов

шартлари бўйича ўз таклифла-ри (бизнес-режа)ни тақдим қиладилар.

Танлов савдоларида қатна-шиш учун объект бошланғич нархидан 15 фоиз миқдордаги закат пулини «РОУТАХТ АУКСИОН» давлат унитар кор-хонасининг АТИБ «Ипотека-банк»и Шайхонтоҳур филиали-даги ФА 00425, СТИР 204399967, 2021000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Савдолар соат 11.00 да бош-ланади.

Савдо Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.

Телефонлар: 133-02-49, 133-23-40.

Гувоҳнома № 000815

899 КИШИ
ҚЎЛГА ОЛИНДИ



Россия милицияси томонидан ўн кун давоми-да болалар жиноятчилигига қарши «Лидер» деб аталган Умумроссия махсус операцияси ўтказил-ди. Операция давомида 899 киши қўлга олинди, 450 та жиноят иши қўзғатилди. Россия Ички иш-лар вазирлигининг жиноят ишлари бўйича де-партаменти вакили Владимир Пасько Москвада ўтказилган матбуот анжуманида бу ҳақда маъ-лум қилди.

Унинг айтишича, операция давомида 19 кило-грамм гийёвандлик моддаси, 260 та қурол, 268 нусхада экстремистик характердаги адабиётлар мусодара этилиб, йўқ қилинди.

ЮК МАШИНАЛАРИ
ШАҲАРГА КИРИТИЛМАЙДИ

Москва шаҳри маъмурияти кўндузи юк ма-шиналарининг шаҳар марказига киришини бутунлай тақиқламоқчи. Бу ҳақда Транспорт ва алоқа департаменти раҳбари Леонид Лип-сиц Москва шаҳар думаси комиссияси маж-лисида ахборот берди. Унинг айтишича, маз-кур масала шаҳар маъмурияти мажлисида кўриб чиқилди. Лекин юк транспорти қатно-вини бутунлай тақиқлаш учун амалдаги қонунчиликка ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилиши лозим. Шунинг учун тақиқлов яқин кунларда амалга ошмаслиги табиий.



2007 йилнинг биринчи ярмида «Евро-2» экологик меъёрга жавоб бермайдиган юк машиналарининг шаҳар марказига кириши тақиқланади. Бундай чеклов Россиянинг бошқа шаҳарларига ҳам жорий этилади.

АЧЧИҚ ШОКОЛАДНИНГ ФОЙДАСИ

Буюк Британия олимла-ри аччиқ шоколаднинг инсон организмга таъсирини илмий таҳлил этидилар. Аниқланишича, бу маҳсулот қонда тромб-лар (томирда ивиб қолган қон) пайдо бўлишининг олдини оларкан. Аспирин-дан фойдаланиш ҳам худди шундай натижа беради. Аввалроқ олим-лар шоколаднинг юракка

фойдаси борлигини аниқ-лагандилар. Янги тадқиқот-қузатув ишлари 139 нафар киши орасида Жонс Хопкинс университети олимлари томонидан олиб борилди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, шоколад тановул қилмаган кишиларда тромб-лар 123 сония давомида юзага келган бўлса, шоколад истеъмол қилганларда эса бу

муддат 130 сонияга узайди. Профессор Беккернинг айтишича бир кунда 2 чой қошиғида истеъмол қилинган қора шоколад яхши натижа беради. Таркибида қакаоси кўп бўлмаган сутли шоколад эса бундай натижани бер-майди, аксинча, у зарарли-дир, негаки, унда ёғ ва шакар бор, дейилади «Theleyaka.com» сайтидаги ахборотда.



«Олой деҳқон бозори»
очиқ акциядорлик
жамияти

ички аудит хизмати лавозимларига танлов эълон қилади

- ❖ Хизмат раҳбари (1)
- ❖ Хизмат аудитори (1)

Номзодларга талаблар:

- ➔ Олий маълумот ҳақида диплом;
- ➔ Малака ҳақидаги сертификат;
- ➔ Бухгалтерия, аудит, молия ёки со-лиқ назорати соҳасида охириги ўн йил-ликдан икки йиллик тажриба.

Номзодлар ўзлари ҳақидаги маъ-лумотларни қуйидаги манзилга юбо-ришлари мумкин: 700000, Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 40-уй.

Телефон: 136-39-27, факс: 132-14-54.



Тендерная комиссия
ГАЗК «Ўзбекистон
темир йўллари»

объявляет тендер №9
на приобретение цельнокатаных колес
РУ 950 ступица 175 в количестве 5 000 штук с
поставкой согласно
графика (1-2 квартал 2007 года).

За тендерной документацией обращаться по адре-су: г.Ташкент, ул.Т.Шевченко, 7, ГАЗК «Ўзбекис-тон темир йўллари», Управление «Темирйўлөнил-гитаъмин», комната 410.

Тел.: 138-85-70, 138-84-72, 138-86-34.

Заявки на учас-тие в тендере принимаются в течении 30 дней со дня опубликования в средствах массовой ин-формации.



Эркин Воҳидов — 70 ёшда!

ШОИР ИЖОДИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбек шеърлятида ўзига хос ва мос сўз айта олган шоирлардан бири бу шубҳасиз Эркин Воҳидовдир. Мухлислар унинг биринчи шеърӣ китоби — «Тонг нафаси» (1961)ни ҳали-ҳануз эсдан чиқаришмаган. Шундан сўнг бирин-кетин шоирнинг «Кўшиқларим сизга», «Юрак ва ақл», «Менинг юлдузим», «Муҳаббат», «Келажакка мактуб», «Куй авжиди узумласин тор», «Яхшидир аччиқ ҳақиқат» каби шеърӣ тўпламлари, «Орзу чашмаси», «Нидо», «Кўёш маскани», «Рўзлар исёни», «Ташкент садоси» достонлари ўқувчлар кўлига етиб борди. «Ўзбегим» қасбдасини ўқиган ҳар бир ўзбекнинг кўнглида фахр-ифтихор туйғуси жўш уради.

да, Эркин Воҳидовни миллий шеърлятимизда ўзига хос мактаб яратган дея олишимиз мумкин. Унинг шеърлари ва газаллари халқимиз томонидан эътироф этилган.

— Эркин Воҳидовнинг шеърларини ўқиган ҳар бир инсон наҳорий тиниклик, баҳорий илқиклини ҳис қилади, ўзбек халқининг буюк ўтмишидан хабардор бўлади, — дейди академик Бахтиёр Назаров. — Утган асрнинг 70-80 йилларида ёзган шеърларини мутлоа қилган киши истиқлолга бўлган интилишни, миллатга бўлган муҳаббатни ҳис қилиши мумкин. У шеърӣ маданият ва поэтикани бир поғона кўтариб берди. Бир пайтлар унут бўлган газал ёзиш анъанасини яна қайта тирилтирди. Аруз вазида газаллар битди. Яна ўзбек

драматургиясида ҳам ўзига хос из қолдирди. Унинг «Олтин девор» асари мамлакатимизнинг деярли барча сахналарида ўйналди.

— Шоирнинг ўзбек миллий шеърлятини шакллантиришда ўзига хос ўрни бор, — дейди профессор Наим Каримов. — У адабиётда баҳор кунларидаги чақмоқ каби пайдо бўлди. У миллий шоир. Шеърларида миллийликни таъминловчи хусусиятлар бисёр. Яна унинг ижод намуналари донишмандлиги ва мусиқийлиги билан ажралиб туради.

Биз ҳам кўп минг сонли газетхонларимиз номидан шоиримизни табарук ёшлари билан самимий табриклаймиз!

Масъумжон МАХМУД,
«Ўзбекистон овози» муҳбири

Қуни кеча ЎзРФА Алишер Навоӣ номидидаги Тил ва адабиёт институтида Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби Эркин Воҳидов таваллудининг 70 йиллигига бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди. Тадбирни ЎзРФА

Тил ва адабиёт институти директори, профессор Тура Мирзаев кириш сўзи билан очиб, жумладан, шундай деди:

— Бугунги йилгида биз асосан шоирнинг ўзбек адабиёти ва шеърлятига қўшган ҳиссаси, ижодининг хусусиятлари ҳақида фикр-мулоҳаза юритамиз. Менинг назарим-

ВАТАН ҚАДРИ


Чашма қошида тиниқ сув
Қадрини билмас киши,
Сайр этиб гулшанда гулни
Кўзига илмас киши.

Вах, бу не гафлатки инсон —
Кўксиди тутмиш ватан,
Ким ватан ичра ватанинг
Шукрини қилмас киши.

Юрт недир, юрт доғи недир,
Юртдан айрилган билар,
Англагучи юрт фироқин
Юртда топилмас киши.

Эй, ватандошим, эшит
Бобуру Фуркат моласин,
Бесабаб андуҳ тигида
Бағрини тилмас киши,

Билма, фарзандим, ватан ҳажрини,
Лек қадрини бил —
Ким ватан қадрини билмас,
Англа, комилмас киши.



УЧРАШУВ

Оламон ватанимни забт этолмаган,
Ажиб ишлар қилар бул чархи гардун.
Миллик эмас, калам тутган Юганни
Менинг кулбам аро меҳмондир бугун.

Гарчи ўтиб кетмиш асрлар қатор,
Гарчи букун ўзга курраи олам.
Аммо хануз ерда ёсуманлар бор,
Хануз ўлгани йўқ Мемистефель ҳам.

Қўлида Саъдийнинг «Гулистони» бор,
«Шарқ-ғарб девони»дин ўқир менга шеър.
Бунда ноғоҳ икки соҳиби ашъор
Дардлашиб қолдилар — Гёте, Алишер.

Лайло, Маргарита соф дил тўлкини
Гоҳи харсанларда бўлади чил-чил.
Икки олам аро инсон руҳини
Хануз талашади Ҳақ ва Азозил.

Даҳоларга йўқдир замон ва макон,
Улар малак янглиг олам боласи.
Ошиқ юракларни титратар ҳамон
Махжун фарёди-ю, Вертер моласи.

Лекин Фарҳодгаю, Фаустга армон
Меҳнат, ижод юрти бу менинг ўлкам.
Устозларим уни кўрсин деб бир он
Тўхта, эй сония, деорман бу дам.

Машҳурлар ҳақида

ДЎРМОН ҲАНГОМАЛАРИ

«ЧЁРТ ПОБЕРИ»

Устоз Озод Шарафиддиновнинг етмиш йиллик тўйи Ҳамза театри биносида катта тантана билан, жуда файзли-мароқли ўтган эди. Мухлислар қатори сўзга чиққан машҳур шоир Эркин Воҳидов талабалик йилларини эслаб, шундай ҳазил қилди:

— Озод ака дорилфунунда бизга адабиётдан сабоқ берардилар. Бир кунги устоз «Ҳисрав ва Ширин» достонини ўтаётди айтдилар: «Ширин канизаклари билан от миниб келиб мундоқ қараса, канал қазилган, зилол сувлар оқиб ётибди. Шунда у хайратини яширолмай, «Ничего себе!» деб юборибди.

...Устоз биз — талабалар билан жуда яқин, иноқ эдилар. Эсимда, пахта теримда бир кунги борақда ўтин ёраётсак, ёнимизга келиб қолдилар. Тўнжа жуда чайир бўлгани учун ёролмаётган эдик. Шунда устоз болтани қўлимиздан олиб, ўзи ўтин ёришга тушдилар. Ҳаш-паш дегунча терлаб-пишиб кетдилар, аммо савил чайир тўнжа ёрила қолмади. Ахйир бизор бўлиб, «Чёрт побери!» дея болта-

ни бир четга улоқтирдилар. Биз устозга далда бердик: «Домла, биз ўтин ёраверамиз. Сиз ёнимизда «Чёрт побери!» деб тураверинг.

ОТ НЕГА ЧЕКМАЙДИ?

Фарғона водийсида Ақром Қодирий деган ўз даврининг танлики бир журналисти ўтганди. Раҳматли афандимижоз одам эди. У Фафур Гулом, Адам Ҳамдамлар билан улфат-ошно бўлган.

Ақром ака анча кашанда эди. Сигаретни бир-бирига улаб, кетма-кет, бамисоли паровоз янглиг тутатганини кўрган дўстлари унга ачинаиб, оғохлантиришди:

— Сал камроқ чексанг бўлармиди? Ахир сигаретда никотин бор, бир грамм отни ўлдиради.

— Шунақами? — дейди Ақром ака бамайлихотир оғиз-бурнидан тутун чиқариб... — От нега сигарет чекмаслигини энди билдим.

ТЎСИНБОП ҚЎЛЁЗМА

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасига ёзувчиларидан бири янги ёзган романидан парча олиб келади. Газета бош муҳаррири Аҳмадҷон Мелибоев парчани варақлаб кўраркан, муаллифга шундай дейди:

— Бунга энди озроқ қисқартириб босамиз-да.

— Илтмос, укажон, иложи бўлса қисқартирмасангиз. Шун дегангиз, яхши ният билан катта иморат кураётгандим. Тўсинга озроқ маблағ етмаяпти.

— Майли, яна ўйлашиб кўраимиз.

Хуллас, романдан парча барибир қисқарган ҳолда босилади. Орадан бир неча кун ўтгач, бош муҳарририни тахририят йўлида учратиб қолган муаллиф оғринибгина иддао қилади:

— Аҳмадҷон, укагинам, парча «...»-риб кетибди-ку? Энди нима бўлади?

— Энди... тўсиннинг орасини узокроқ қўйворасиз-да!

Шодмон ОТАБЕК

Интер-спорт

ЖАМОАДОШИ ОЁГИНИ ЎПИБ...

Италия миллий чемпионатида қизик воқеалар юз бермоқда. Миланнинг «Интер» клуби ҳимоячиси Марко Матераци бу гал киритган голини ўзгача нишонлади. «Интер» — «Лацио» учрашувида жамоадоши Луиш Фигунинг ўринлатиб ошириб берган тўпи учун ўнг оёғи бутсисини ўпиб қўйди. Марко учрашувнинг 85-дақиқасида ўзини кўрсатиб, рақиб дарвозасига тўп йўллади ва «Интер» 2:0 ҳисобиди галабага эришди. Қизиги шундаки, «Интер» футболчилари бу учрашувда асосан ўн нафар бўлиб ўйнашган эди. Шунга қарамай улар кетма-кет ўинчи галабани қўлга киритишди ва чемпионатда пешқадамлик қилишмоқда.



ЮГУРГАН ЙИГИТМИДИ ЁКИ ҚИЗ?

Доха шаҳрида ўтказилган Осиё ўйинларида 800 метрга югурган қизлар орасида маррага иккинчи бўлиб келиб, кумуш медаль олган ҳиндистонлик Санти Сундаражанинг жинси ҳақида ҳамон мунозара давом этмоқда.

Гал шундаки, Хиндистон спорти раҳбарияти Осиё ўйинлари олдидан Санти жинси тестдан ўтказилмаганига кўпроқ ургу беришмоқда. Спортчининг бу вазиятдан чиқиши учун энг мақбул йўл — жарроҳлик амалиётидир деган фикрлар билдирилмоқда. Ана шундагина у спортчи қизлар ўртасидаги мусобақаларда бемалол иштирок этавериши мумкин. «Мен бу воқеада Санти айбдор дея олмайман, — дейди Жануби-



шарқий Хиндистон штати энгил атлетика уюшмаси расмий вакили Тамил Наду. — Қизиги шундаки, биргаликда югурган қизларнинг ҳеч бири эътироз билдиргани йўқ. Расмий доиралар эса

тектириб кўриш ҳақида талаб қўйишмади». Унинг фикрига қараганда, масъулият югурувчига эмас, балки мамлакат миллий федерацияси зиммасида бўлиши керак экан.


Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви жамоаси «Маҳалла» газетаси бош муҳаррири Чори Латипова онаси

ТОШБИБИ аянинг вафот этгани муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ХДП Хоразм вилояти кенгаши Ижроия қўмитаси вилоят партия кенгаши аъзоси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, Урганч туман марказий шифохонаси бош шифокори

Отабой ЭШЧАНОВнинг вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур таъзия изҳор этади.

БЎЛАЖАК ҲУНАРМАНДЛАР МАСКАНИ



Мустақиллик йилларида фойдаланишга топширилаётган юзлаб илм масканлари юртимизда ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор берилётганидан нишондир. Қувонарлиси шундаки, бундай бунёдкорлик ишлари олис туманларда ҳам олиб борилмоқда.

Шеробод агросаноат касб-ҳунар коллежи қурилишига 2 миллиард 500 миллион сўм маблағ сарфланди. Бу ерда 700 нафарга яқин талаба 8 йўналиш бўйича ҳунар ўрганади.

Суратларда: коллеж ҳаётиндан лавҳалар. **Муҳаммад ЖУМАЕВ** олган суратлар



Фанимиз фидойилари

ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

ёки физика-математика фанлар доктори, профессор, ЎзХДП фаоли Фанижон Иқромов портретига чизгилар



Тонг отади, кун ботади. Фаслар бир-бирига ўз ўрнини бўшатиб беради. Йиллар эса савобларимизни сарҳисоб қилиб ўтаверади. Бир кунги келиб ортга қарасан, қилинган ишларга назар ташласанг қувонч ва армонлар вужудингни қамраб олади. Қилган эзгу амалларингдан қувонасан, улгуролмаганларингдан ўйинасан. Лекин ҳеч қачон вақтни орқага қайтариб бўлмайд! Шунинг учун бўлса керак, ҳаёт дафтари зарва-рақларини безаш имконияти фақат бир марта берилади.

Фанижон Иқромов номи республикамиз илмий жамоатчилигига яхши таниш. У физика фани соҳасида кўзга кўринган таниқли олимлардан бири сифатида ҳамиша эътироф этиб келинган. Олим ва у асос солган илмий мактаб илмда қаттиқ жисмлар радиацион физикасини ривожлантириш йўналишига салмоқли ҳисса қўшган.

Устоз ўз фаолият давомида аниқ фанлар йўналишида миллий кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида аҳамият бериб келган. Бунга унинг раҳбарлигида тайёрланган ўнлаб номзодлик диссертациялари, бир неча докторлик ишлари ҳам кўрсатиб турибди.

Олим ҳақида гап кетса у бутун ҳаётини республикамиз олий таълим тизимини ривожлантириш ишларига бағишлади дейишди. Устоз оддий ўқувчиликдан ректорликкача бўлган мазмунли

ва машаққатли йўлни босиб ўтди. Фанижон Иқромов устозлари академиклар Г.Петровский, Ш.Воҳидовлар илмий раҳбарлигида изланишлар олиб бориб, бу борада бир қатор муваффақиятларни қўлга киритди. Самарқанд давлат педагогика институти (собиқ) ва республикадаги илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда илмий текширув лабораторияси ташкил этди ва бу ерда шоғирдлари И.Нуриддинов, И.Исаев, А.Абдуллаев, М.Ваҳобов, А.Салоҳиддиновларни ўз атрофига тўлаб улар билан бирга «Оптик шишаларда терморрадиацион ҳодисаларни текшириш» мавзусида илмий-тадқиқот ишлари олиб борди. Устоз асос солган илмий мактаб бу борада эътиборга лойиқ натижаларни қўлга киритди.

Фанижон Иқромов томонидан чоп этилган «Кислородли материалларнинг физикавий-химиявий хусусиятларини текшириш», «Шишаларга радиацион ишлов бериш физикаси ва кимёси» (хаммуаллифликда) номли асарлари физика фанидаги бир қатор муаммоларни ҳал этишга бағишланган. Олим раҳбарлигидаги илмий мактаб, илмий текширув лабораторияси томонидан амалга оширилган ишлар нафақат республикамизда, балки Ҳам-дўстлик давлатларида хорижда ҳам эътироф этилди. Алломанинг 250 дан ортик илмий ишлари, иккита муҳим ихтироси, олтидан зиёд монографияси кенг жамоатчилик

томонидан тан олинган.

— Бугунги ёшларга ҳавасим келади. Мамлакатимизда илм-фан соҳасига алоҳида эътибор қаратилиши ўз мевасини бериб, баркамол йигит-қизларимиз орасидан Берунийлар, Ибн Синолар, Навоийлар, Бобурлар етишиб чиқишига ишонманам. Президентимизнинг ёшлар масаласида олиб борётган оқилона сиёсати бизнинг бу ёруғ орзуларимизни амалга оширадиган мустаҳкам заминдир. Бир пайтлар илм қилиш қанчалик машаққат бўлганини биз яхши биламиз, бугун эса фанни севадиган, изланадиган ёшларга ҳеч қандай тўсиқ йўқ.

Мен Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоси сифатида жойларда партияимиз томонидан олиб борилётган ишлар ҳақида одамларга гапириб бераман. Айниқса, Юртбошимиз томонидан янги йилмиз «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши ЎзХДП зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Чунки аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами айнан бизнинг партияимиз электоратидир, — дейди, профессор Фанижон Иқромов.

Зайинддин МАМАДАЛИЕВ

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Turobjon JO'RAYEV
Feroz NAZIROV
Murodulla ABDULLAEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Olim HURODOV
Farruh MAMRODOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
birinchi o'rinbosari
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Baxtiyor DO'SJONOV
Muslihdiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Akbar JONUZOQOV
Abduq'ani MAMASO'DIQOV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifot 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks) Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:

Alisher RO'ZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi:

Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxonada mazzali: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tabiiyiyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1450

7037 nusxada bosildi
t — Tижорат материал

O'zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 23.00
1 2 3 4 5

Sofuvda erkin narxda